



ТЕХНОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЯНГИ БОЗОР СЕГМЕНТЛАРИГА ТАЪСИРИ

Абдуғаниев Элбек

Сабирова Шойиста

Хамдамов Зафар

Тадбиркорлик ва олий бизнес мактаби Рақамли иқтисодиёт мутахассислиги
магистратура талабалари

Аннотация. Технологик инновациялар жаҳон иқтисодиётида муҳим роль ўйнаб, янги бозор сегментларининг шакланиши ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Мазкур мақолада инновацион технологияларнинг бозордаги янги имкониятларни яратишдаги аҳамияти таҳлил қилинади. Шунингдек, рақамли трансформация, сунъий интеллект, блокчейн, Интернет нарсалар (IoT) каби илгор технологияларнинг турли тармоқларга таъсири кўриб чиқилади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, технологик инновациялар тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, рақобатбардошликни ошириш ва истеъмолчилар учун қўшимча қиймат яратиш имконини беради.

Калит сўзлар: Технологик инновациялар, бозор сегментлари, рақамли трансформация, сунъий интеллект, блокчейн, рақамли иқтисодиёт, тадбиркорлик муҳити, рақобатбардошлик.

Annotation. Technological innovations play an important role in the world economy, significantly affecting the formation and development of new market segments. This article will analyze the importance of innovation technologies in creating new opportunities in the market. The impact of advanced technologies such as digital transformation, artificial intelligence, blockchain, Internet Things (IoT) on various networks is also considered. The results of the study show that technological innovations make it possible to improve the entrepreneurial environment, increase competitiveness and create additional value for consumers.

Keywords: technological innovation, market segments, digital transformation, artificial intelligence, blockchain, digital economy, entrepreneurial environment, competitiveness.

Технологик инновациялар ва уларнинг хусусиятлари шундаки, Технологик инновациялар — бу янги маҳсулотлар, хизматлар ёки ишлаб чиқариш жараёнларини яратиш ва жорий этиш жараёнидир. Улар қўйидаги асосий хусусиятларга эга:

Янги қиймат яратиш — маҳсулот ёки хизматнинг истеъмолчилар учун янги қиймат бериши бугунги бозор муҳитида муваффакиятли компаниялар ва тадбиркорлар маҳсулот ёки хизматларига янги қиймат қўшиш орқали рақобатда устунликка эга бўлмоқда.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Янги қиймат яратиш бу – маҳсулот ёки хизматнинг истеъмолчилар учун фойдали ва қадрли бўлишига эришиш жараёнидир. Бу жараён фақат янги технологиялар ёки инновациялар билан чекланиб қолмай, балки мавжуд маҳсулот ва хизматларни такомиллаштириш ёки уларни янги контекстда таклиф қилиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бунда Янги қиймат яратиш стратегиялари яъни Истеъмолчилар эҳтиёжларини аниқлаш

Истеъмолчиларнинг қундалик муаммоларини ва эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш орқали уларга янги қиймат таклиф қилиш мумкин. Масалан, анъанавий маҳсулотларнинг қулайлик даражасини ошириш ёки янги технологиялар орқали уларнинг самарадорлигини кўтариш мумкин. Шунингдек, Илғор технологиялардан фойдаланиш ҳам Янги технологиялардан самарали фойдаланиш орқали маҳсулот ёки хизматлар янги қийматга эга бўлиши мумкин. Масалан, сунъий интеллект, интернет орқали хизматлар (онлайн консалтинг, рақамли маркетинг) ёки автоматлаштирилган хизматлар орқали янги қиймат яратиш мумкин.

Бундан ташқари Тадбиркорлик инновациялари ва хизматлар диверсификацияси ҳам Янги маҳсулот ёки хизмат турларини яратиш ёки мавжуд хизматларни турли тарзда таклиф қилиш орқали қийматни ошириш мумкин. Бунга мисол қилиб, бир маҳсулотни мижоз талабларига мос равишда персоналлаштириш ёки янги хизмат кўрсатиш моделини жорий этишини келтириш мумкин.

Шунингдек, Эмоционал ва эстетик қийматни ошириш ҳам Истеъмолчилар фақат функционал жиҳатдан эмас, балки эмоционал ва эстетик жиҳатдан ҳам маҳсулотларга қизиқади. Брендинг, дизайн ва фойдаланиш тажрибасини яхшилаш орқали маҳсулот ёки хизматнинг жозибадорлигини ошириш мумкин. Бундан ташқари Ижтимоий ва экологик масъулият хисси ҳам Ҳозирги кунда истеъмолчилар ижтимоий ва экологик масъулиятли маҳсулот ва хизматларга кўпроқ аҳамият бермоқда.

Кам углерод изига эга маҳсулотлар, қайта ишланган материаллардан фойдаланиш ёки ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган ташаббуслар орқали компаниялар янги қиймат яратишлари мумкин.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Янги қиймат яратишнинг бизнес учун аҳамияти шундаки Янги қиймат яратиш нафақат истеъмолчиларни жалб қилишга, балки уларни узоқ муддатга сақлаб қолишга ҳам хизмат қиласи.

Шунингдек, компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириб, бозорда мустаҳкам ўрин эгаллашларига ёрдам беради. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига мос келадиган инновацион ечимлар таклиф қилган компаниялар тезроқ ўсади ва бозорда етакчига айланади. янги қиймат яратиш – бу фақат янги маҳсулот ишлаб чиқиш эмас, балки мавжуд маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолчилар учун янада фойдали ва қадрли бўлишига қаратилган стратегиядир. Шунинг учун ҳар бир бизнес янги қиймат яратишга эътибор қаратиши ва бу борада инновацион ёндашувларни қўллаши лозим.

Технологик инновациялар ва уларнинг янги бозор сегментларига таъсири оширишда Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш – вақт ва ресурслар тежалиши ҳам муҳим аҳамиятга эга . Шунингдек, Тармоқлараро таъсир – бир соҳадаги инновация бошқа соҳаларда ҳам ривожланишга туртки беради. Янги бозор сегментларининг шаклланишида Янги технологик инновациялар бозорда янги сегментларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан: Рақамли иқтисодиёт – сунъий интеллект, блокчейн ва IoT асосида янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш моделлари яратилмоқда. Эко-технологиялар – экологик тоза маҳсулотлар ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқиш ҳисобига янги бозор сегментлари пайдо бўлмоқда.

Электрон тижорат – онлайн савдо платформалари янги харидор гурухларини жалб қилмоқда. Инновацияларнинг бозорга таъсири шундаки Технологик инновацияларнинг бозорга таъсири бир неча асосий йўналишларда кўзга ташланади .

Рақобатбардошлини ошириш – янги технологиялар орқали компаниялар бозорда ўз устунлигини мустаҳкамлайди. Бу ўз навбатида Истеъмолчилар талабини қондириш – янги маҳсулот ва хизматлар мижозларнинг эҳтиёжларини яхшироқ қондириш имконини беради. Тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш – инновацияларнинг тараққиёти янги стартаплар ва бизнесларнинг пайдо бўлишига йўл очади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки Технологик инновациялар иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиб, янги бозор сегментларини яратиш ва ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Улар бизнес жараёнларини такомиллаштириш, истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш ва янги иқтисодий имкониятлар яратиш имконини беради. Шунинг учун ҳам компаниялар ва ҳукуматлар инновацияларга сармоя киритиш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришлари лозим.



REFERENCES:

1. Suyunov D. X. Corporate governance mechanism: problems and solutions. Monograph // T.: Academia. – 2007. - Т. 200.
2. Suyunov, D., and Elmurod Abdusattorovich Khoshimov. "Methodological aspects of assessing the effectiveness of corporate governance in joint-stock companies. Scientific electronic journal" Economics and innovation technologies " 2 (2018).
3. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.
4. Suyunova D.D. Corporate in joint stock companies ways to use digital technologies to improve management.European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS), Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 4 No 09. September 2023 ISSN:2660-5570.
5. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш масаласига илмий қарашлар.Иқтисодий тарққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали, 2024 йил 31 июль.<https://eitt.uz/index.php/eitt/article/view/1472/1379>.
6. Суюнова Д.Д. Рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш масаласига илмий ёндашув.(Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь.)
7. Суюнова Д.Д. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий қилишнинг рақамли трансформациясини амалга оширишга илмий-назарий ёндашув. (Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбирворликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь).
8. Суюнова Д.Д. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг жорий қилиниши ва ривожланиш ҳолатининг таҳлили. (Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация, Халқаро илмий-амалий конференция, 2023 йил 21 июнь).
9. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини таъминлашда автоматлаштирилган ахборот бошқарув тизимидан фойдаланиш йўллари. (Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация, Халқаро илмий-амалий конференция, 2023 йил 21 июнь).

